

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.31.01.2019.FM./Т.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СОДИҚОВ УСМОНХЎЖА ХАСАНОВИЧ

**КРЕМНИЙЛИ ФОТОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ СПЕКТРАЛ СЕЗГИРЛИК
СОҲАСИНИ БИНАР ЭЛЕМЕНТАР ЯЧЕЙКАЛАР ЁРДАМИДА
КЕНГАЙТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) of
physical-mathematical sciences**

Содиқов Усмонхўжа Хасанович

Кремнийли фотоэлементларнинг спектрал сезгирлик соҳасини бинар
элементар ячейкалар ёрдамида кенгайтириш 3

Содиқов Усмонхўжа Хасанович

Расширение спектральной области fotocувствительности
кремниевых фотоэлементов с бинарными элементарными ячейками ... 19

Sodikov Usmonkhujja Xasanovich

Expansion of the spectral region of photosensitivity of the silicon
photovoltaic cells with binary elementary cells..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.31.01.2019.FM./T.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

СОДИҚОВ УСМОНХЎЖА ХАСАНОВИЧ

**КРЕМНИЙЛИ ФОТОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ СПЕКТРАЛ СЕЗГИРЛИК
СОҲАСИНИ БИНАР ЭЛЕМЕНТАР ЯЧЕЙКАЛАР ЁРДАМИДА
КЕНГАЙТИРИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.1.PhD/FM86 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (tdtu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Илиев Халмурат Миджидович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Далиев Хожакбар Султонович
физика-математика фанлари доктори, профессор (ЎЗМУ)

Арипов Хайрулла Кабилович
физика-математика фанлари доктори, профессор (ТАТУ)

Етақчи ташкилот:

Физика-техника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети, Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31.01.2019.FM/Т.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел. (+99871) 246-46-00, факс (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz. ТДТУ «Электроника и автоматика» факультети 232-хона).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.К. Бахадирханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., академик

Б.Э. Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

Н.Ф. Зикриллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида бугунги кунда жадал ривожланаётган электроника ва фотоэнергетика соҳасидаги истиқболли йўналишлардан бири яримўтказгич материалларга III, V ва II, VI гуруҳ элементларини киришма сифатида танлаш йўли билан ҳажмда ва сиртда нанокластерлар, жумладан бинар элементар ячейкалар ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалий жиҳатдан кремнийда дастлабки материалнинг мавжуд хоссалардан тубдан фарқ қилувчи мутлақо бошқа хоссаларни эга таркибида бинар элементар ячейкалар (БЭЯ) бўлган янги материалларни кашф қилиш жаҳон илмий ҳамжамиятининг долзарб вазифасидир. Бунда янги материалнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини ўрганиш ҳамда юқори сифатли кремний материални тежаш муаммоси долзарб ҳисобланади. Шунингдек кристалл панжарада БЭЯ структуралар ҳосил қилиш йўли билан материалнинг функционал имкониятларини кенгайтирилиши ҳисобига электроника, материалшунослик ҳамда фотоэнергетика соҳаларида янги ярим ўтказгич асбоблар пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳозирги кунда жаҳонда кремний материали негизида наноўлчамли кластерлар ҳосил қилиш билан материалнинг физик хоссаларини тубдан ўзгартириш, унинг хусусиятларини ўрганиш ва янги материал асосида фотоэлементлар ва инфрақизил соҳасида ишлайдиган датчиклар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги илмий изланишлар муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади: кремний материални III, V ва II, VI гуруҳ элементларидан киришма сифатида фойдаланиб паст ҳароратли диффузия усули билан легирлаш ва юзада емирилиш тўлиқ бартараф этилган намуналар олиш технологиясини жорий қилиш; $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ бинар ячейкаларни олиш учун III, V ва II, VI гуруҳ элементлари иштирокида кремний панжарасида жуфтлашадиган мақбул атомларини аниқлаш; панжарада $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ структуралар БЭЯ лар ҳосил қилиш орқали кремнийнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини бошқарилишини аниқлаш; $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ БЭЯга эга бўлган кремний намунасидаги қисқа туташув токи зичлиги ва салт кучланиши қийматларини инфрақизил нур соҳасида мавжуд бўлишини аниқлаш; $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ БЭЯга эга бўлган кремний материалдан фотоэлементлар ишлаб чиқиш ва яратиш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1-илова 4.4 бандига мувофиқ белгиланган вазифалардан бири, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш орқали таълим ва фан соҳасини ривожлантириш

масаласини ҳал қилишга қаратилган¹. Шунини таъкидлаш зарурки, 2019 йил дастури бўйича қабул қилинган «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда илмий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бир қатор вазифалар қўйилди. Жумладан микроэлектроника ва яримўтказгичли асбоблар учун асосий яримўтказгич материали ҳисобланган кремнийнинг кристалл панжарасида ташқи таъсирларга сезгирлиги юқори бўлган «кремний-киришма атом» структуралардан таркиб топган янги турдаги яримўтказгичли материаллар олиш технологиясини ривожлантириш масалалари муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада яримўтказгичли кремний асосида ҳосил қилинган БЭЯ бирикмаларининг электрофизик ва оптик хусусиятларини чуқур тадқиқ қилиш ва шу жиҳатдан янги материал сифатида физик хоссаларини ўрганиш ва уларни кенг ишлаб чиқариш соҳасига тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 13 февралдаги «2017–2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-2772 -сон ва 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги ПҚ-2789-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши»нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таниқли олимлардан J. Zhang, C.J. Glassbrenner (АҚШ), Rune S. Jacobsen (Дания) кремнийда танлов киришмаларнинг унинг оптик характеристикаларини ўзгаришини ўрганган бўлсалар, К.С. Напольский, А.В. Булгаков, О.Н. Королевалар (Россия) ярим ўтказгичларда бинар боғланишларни содир бўлиш шартлари ва уларнинг математик моделларини ўрганганлар. J. Valenta (Чехия) ва бошқалар томонидан кремнийдаги нанокластерларни материалнинг бевосита электрофизик ва фотоэлектрик параметрларига таъсири ўрганилган, М.Г. Мильдвидский, В.В. Чалдышевлар (Россия) наноўлчамли кластерни яримўтказгичлардаги роли мавзусида илмий тадқиқот ўтказганлар. Ярим ўтказгичларда гетероструктуралар ҳосил қилган Ж.И.Алфёров, кўк рангли фотодиод муаллифлари Исами Акасаки, Хироси Аmano ва Сюдзи Накамуре Нобель мукофотиغا сазовор бўлганлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида /Расмий нашр/. ЎЗР Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2017. Б. 26.

Ўзбекистонда диффузион технологияни ривожланишига ва уларни ярим ўтказгичли материалларда синаш бўйича академиклар М.С. Саидов, М.К. Баходирханов ва А.Т. Мамадалимовлар мактаблари катта ҳисса қўшдилар. Академик М.К. Баходирхонов ва унинг шогирдлари томонидан ўтиш гуруҳи ва нодир элементлар ҳамда II, III, V, VI элементларини кремнийга киришма атомлар сифатида айнан диффузия усули билан киритиш орқали уларнинг фундаментал параметрлари тубдан фарқ қиладиган янги материаллар авлодини яратишга муваффақ бўлинган². Буларда янги турдаги фотоэлектрик, магнит ва оптик ҳодисалар кузатилган. Шунингдек ушбу киришмаларнинг нафақат кремний юзасида, балки ҳажмида ҳам уларнинг концентрацияларини ошириш, уларнинг ўзаро БЭЯ (бирикмалар)ини ҳосил қилиш ва табиатини, жумладан материалларни инфракизил соҳада сезгирлигини ошириш бўйича ўрганиш олиб борганлар. Профессор И.Г. Атабаев и Н.А. Матчановлар паст ҳароратли диффузия ёрдамида германий-кремний қотишмасига киришма киритиш технологиясини яратганлар³.

Ўзбекистон олимларидан академик А.Т.Мамадалимов ва унинг шогирдлари томонидан кремнийга чуқур сатҳ ҳосил қилувчи киришма атомларини киритиш билан фототокнинг инфракизил нурлар, ҳарорат ва электр майдон таъсирида сўниш ҳодисалари аниқланган ва олинган натижалар илмий асослаб берилган. Шу билан бирга, Р.А.Муминов илмий мактабида литий билан легирланган кремний асосида ядро нурланиш детекторлари яратилган. Н.Юлдашев ва унинг шогирдлари томонидан бирикмали яримўтказгич материалларда люминисценция ҳодисаси аниқланган.

Бироқ улар томонидан ўтказилган нанокластерлар ҳосил қилиш тажриба тадқиқотлари фақат бир элемент асосида бўлиб, нанокластерларнинг икки ва ундан ортиқ киришма атомларидан ташкил топган структураси, хусусан кремнийда уларни бирикиб БЭЯлар ҳосил қилишининг мақбул термодинамик шароитлари ва янги материалнинг электрофизик ва фотоэлектрик параметрлари ҳанузгача ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот режасининг Ф2-44 рақамли «Яримўтказгичларда киришма атомларни ўз-ўзидан ташкил қилиш механизмини тадқиқ қилиш ва уларни параметрларини бошқариш» (2012-2016 йй.) ва МК-37/2012 рақамли «Нановаризон структурага эга бўлган кремний асосида кенг спектрал сезгирликка ($0,1 \div 3$ мкм) эга бўлган тубдан янги фотоэлементларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш» (Ўзбекистон-Туркменистон 2013-2015 йй.) ҳамда ОТ-Ф2-50 рақамли «Кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ яримўтказгич бирикмаларининг элементар ячейкалари шаклланишининг илмий асосларини ишлаб чиқиш – фотоэнергетика ва

² М.К. Бахадырханов, А.Ш. Мавлянов, У.Х. Содиков Кремний с бинарными нанокластерами примесных атомов – как новый класс материалов для фотоэнергетики. III Межд.конф. по оптическим и фотоэлектрическим явлениям в полупроводниковых микро- и наноструктурах 14-15 ноября – Фергана. 2014 – с. 51-54.

³И.Г. Атабаев, Н.А. Матчанов и др. Низкотемпературная диффузия лития в твердые растворы кремний-германий ФТТ, 2001, В.12, С. 2140-2143.

фотоника учун истиқболли материаллар олишдаги янги ёндашув» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бинар элементар ячейкали кремнийнинг фотоэлектрик ва оптик хоссаларини аниқлаш, у асосида фотоэлементларнинг спектрал сезгирлик соҳасини кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

III, V ва II, VI гуруҳлар элементларини киришма сифатида табиатини ҳисобга олган ҳолда кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯлар ҳосил қилиш;

кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯ ларининг шаклланиши ва тақсимланишининг шартларини аниқлаш;

$A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурага эга БЭЯли кремнийнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини ўрганиш;

$A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурага эга БЭЯли кремний асосида $\lambda=1 \div 3$ мкм оралиғида ишлайдиган фотоэлементларни яратишнинг физик асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электроника саноатида фойдаланилган КЭФ-4,5; КДБ-0,1; КДБ-0,5; КДБ-1 (фосфор ва бор концентрацияси мос равишда $N_P=9,3 \cdot 10^{14} \text{ см}^{-3}$ ва $N_B=2,1 \cdot 10^{17}; 4,2 \cdot 10^{16}; 2,1 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$) маркали кремний монокристаллари танлаб олинди. Киришма атоми сифатида III, V ва II, VI гуруҳ элементлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кремний монокристаллида $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ БЭЯларга эга бўлган кластерларни ҳосил бўлиш қонунияти, III, V ва II, VI гуруҳ элементлари билан легирланган кремнийнинг электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятлари аниқлаш ва улар асосида фотоэлемент ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда ва қўйилган масалани ўрганишда намуналарнинг фундаментал параметрларини аниқлаш бир ва тўрт зонд усули ёрдамида аниқланди. БЭЯ структурали кремний намуналарининг бошқа параметрларини аниқлашда ФСМ – 1202 Фурье-спектрометри, қайта янгиланган ИКС – 12 инфрақизил спектроскопияси ва Infram-I русумдаги инфрақизил электрон микроскопи ҳамда фотоэлемент параметрлари учун UT81, Mastech MS8250D ва DT 9205 рақамли ўлчов асбоблари фойдаланилган. Кремний панжарасидаги БЭЯ структураларининг ҳолати SEM EVO MA 10 (Carl Zeiss) сканерловчи электрон микроскоп ва Aztec Energy Advanced X-act (Oxford Instruments) рентгенструктурали таҳлил ва XRD Empyrean (PAAnalytical) кукунли рентген дифрактометр каби замонавий усуллар ёрдамида тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

киришма сифатида III, V ва II, VI гуруҳ элементларининг параметрларини таҳлил қилиш орқали мақбул термодинамик шароитда кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали бинар элементар ячейкалар (БЭЯ) ҳосил бўлиши илмий асосланган;

киришма атомлари концентрациясини ошириш асосида кремний панжарасида $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯлар ассоциацияси ҳамда $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ нанокристаллар ҳосил бўлиши илмий асосланган;

паст ҳароратли диффузия усулида III, V ва II, VI гуруҳ элементларининг кремний панжарасида бирикиши натижасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯлар ҳосил қилиш технологияси яратилган;

диффузия усулида юза емирилиши бартараф этилган кремний намуналари олиш имконини берувчи ҳароратни босқичма-босқич ошириш йўли билан коэффициент диффузияси кичик бўлган III, V гуруҳ элементларини киритиш технологияси ишлаб чиқилган;

$Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ структурага эга БЭЯли кремнийнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини бошқарилиши аниқланган;

$Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯга эга бўлган кремний материалдан фотоэлементлар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кремний кристалл панжарасида III, V ва II, VI гуруҳ элементларини киришма атомлари сифатида ишлатилиб, уларнинг табиатига боғлиқ равишда $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯларини шакллантиришнинг технологияси ишлаб чиқилган ва тубдан фундаментал, электрофизик ҳамда фотоэлектрик параметрлари фарқ қилган намуналар олинган;

кремнийда $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯларнинг ҳосил бўлиш табиати ва уларнинг концентрациясини бошқариш ҳисобига кремнийнинг ташқи таъсирларга нисбатан сезгирлигини ошириш усули кўрсатилган бўлиб, бу ҳолат инфрақизил нурлар соҳасида самарали бўлганлиги аниқланган;

III, V ва II, VI гуруҳ киришма атомларига эга бўлган кремний асосида ИҚ нур чегарасида ишлайдиган фотоэлементлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларни ўлчаш ва ишлов беришда бир бирига боғлиқ бўлмаган усулларининг мажмуасидан фойдаланилган, шунингдек, кремнийда панжарасида шаклланган БЭЯ ларнинг ҳолатини сканерловчи электрон микроскоп, кукунли рентген дифрактометр, рентген спектрал таҳлил ва инфрақизил микроскоп ёрдамида ўрганилганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кремний панжарасида $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯларни ҳосил қилиш, уларни концентрациясини ошириш ва жойлашувини бошқарилиши туфайли локал соҳаларда электронлар энергетик структурасининг қайта тақсимланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти III, V ва II, VI гуруҳ киришма атомларининг БЭЯлари асосида сезгирлик соҳаси инфрақизил ва ультрабинафша оралиқ томон кенгайтирилган фотоэлементлар ва фотоқабулқилгичлар ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремний кристалл панжарасида БЭЯ структуралар ҳосил қилиш билан янги материал олиш ва фотоэлементларнинг спектрал сезгирлик соҳасини БЭЯ структуралар ёрдамида кенгайтириш асосида:

III, V ва II, VI гуруҳлар элементларининг кремний панжарасида бирикиши натижасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯлар ҳосил қилиш технологияси «FOTON» акциядорлик жамиятида инфрақизил нурлар соҳасидаги сезгирлиги

катта бўлган янги материал олишда қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 25 августдаги 02-1876-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши кремний асосида яратилаётган инфрақизил датчикларнинг спектрал диапазонини ошириш имконини берган;

коэффициент диффузияси кичик бўлган III, V гуруҳ элементларини киришма сифатида ҳароратни босқичма-босқич ошириш йўли билан киритиш технологияси «FOTON» акциядорлик жамиятида кремнийни легирлашда фойдаланилган. («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 25 августдаги 02-1876-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши кремнийни легирлаш жараёни сирт емирилишларисиз содир бўлиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси 7 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган ва барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**Ҳозирги замон энергетикасини муаммолари**» деб номланган биринчи бобида илмий адабиётларда келтирилган ҳозирги энергетика соҳаси, қуёш энергиясидан фойдаланиш ва ундан электр энергия ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар, шунингдек мавжуд фотоэлементлар ишлаб чиқариш технологияси ва уларнинг фойдали иш коэффициенти таъсир қилувчи омиллар бўйича муаммолар таҳлил этилган. Мавжуд назарий ва тажрибавий маълумотлар таҳлили асосида тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Кремнийда $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯлар ҳосил қилиш технологияси**» деб номланган иккинчи бобида кристалл кремнийни диффузион легирлашнинг назарияси, тегишли концепцияси ҳамда технологик хусусиятларини киришмавий ва туб атомлар диффузия механизмлари ўрганишга бағишланган, ҳамда дефектларни ўрни ва уларни киришмалар билан ўзаро таъсири баён қилинган. Дастлабки кремний кристалли параметрлари ва III, V ва II, VI гуруҳлар элементларини киришма сифатида уларнинг табиатидан келиб танлашга ва кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$

структурали БЭЯлар ҳосил қилиб, тубдан янги электрофизик параметрга эга кремний олиш технологиясига бағишланган.

Таклиф қилинаётган усулда кремний панжарасига III, V ва II, VI гуруҳ элементларини киришма сифатида легирлаш жараёни янги паст ҳароратли диффузия технологияси асосида ҳавоси 10^{-5} мм см.уст.гача сўриб олинган цилиндр шаклидаги кварц ампулаларида $1150\div 1250^{\circ}\text{C}$ ҳарорат оралиғида $30\div 180$ минут мобайнида амалга оширилган ва намуна кристалл юзасида емирилиш содир бўлмаган. Намуналарнинг фундаментал параметрлари бир ва тўрт зонд усули ёрдамида аниқланган. БЭЯ структурали кремний намуналарининг бошқа параметрларини аниқлашда ФСМ – 1202 Фурье-спектрометри, қайта янгиланган ИКС – 12 инфрақизил спектроскопияси ва Infram-I русумдаги инфрақизил электрон микроскопи ҳамда фотоэлемент параметрлари учун UT81, Mastech MS8250D ва DT 9205 рақамли ўлчов асбоблари фойдаланилган. Кремний панжарасидаги БЭЯ структураларининг ҳолати SEM EVO MA 10 (Carl Zeiss) сканерловчи электрон микроскоп ва Aztec Energy Advanced X-act (Oxford Instruments) рентгенструктурали таҳлил ва XRD Empyrean (PANalytical) кукунли рентген дифрактометр каби замонавий усуллар ёрдамида тадқиқ қилинган (1-расм).

Учинчи боб «Кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{IV}$ структурали БЭЯ ларнинг ҳосил бўлиши физик асослари»га бағишланиб, унда БЭЯларнинг кремний материали юзаси ва ҳажмида ҳосил бўлиш шартлари ва уларнинг концентрация микдорини ошириш усулларини ўрганиш натижалари келтирилган.




1-расм. Si<GaP> структурали БЭЯ лар ҳосил қилинган намуна (SEM EVO MA 10 (Carl Zeiss) сканерловчи электрон микроскоп).

Кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ бирикмаларнинг ҳосил бўлиш табиати ўрганилди. 1 жадвалда энг кўп тарқалган $A^{III}B^V$ бирикмали ярим ўтказгичлар рўйхати келтирилган⁴. Жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, муҳим фундаментал параметрлардан ҳисобланган ҳаракатчанлик юқорилиги ва тўғри ўтиш шакли кремний материали учун тегишли эмас ва бу унинг фотоэнергетика ва оптоэлектроника соҳаларида қўлланишини чеклайди (2-расм).

⁴ Bakhadyrhanov M.K., Sodikov U.X., Iliev Kh.M., Tachilin S.A., Tuerdi Wumaier Perspective Material for Photoenergetics on the Basis of Silicon with Binary Elementary Cells. USA. Journal of Materials Physics and Chemistry, 2018, Volume 1 doi:10.63019/mpc.v1i2.493. pp. 1-7.

1-жадвал


A ^{III} B ^V ярим ўтказгичлар	Таъқиқланган соҳа кенлиги, E _g , эВ	Электрон ҳаракатчанлик, см ² /В·с
InSb	0.18	100 000
InAs	0.36	30 000
InP	1.26	4 600
GaSb	0.73	5 000
GaAs	1.42	9 000
GaP	2.26	110
AlSb	1.65	200
AlP	2.50	
Si	1.12	1 300



2-расм. Энергетик сатҳларнинг тўғри ўтиш графиги

Олинган намуналарда БЭЯларнинг жойлашуви ва тартибини бошқариш ҳамда концентрация миқдорини ошириш термодинамик шароитни ўзгартириш усулига боғлиқ бўлиши аниқланди. Олинган намуналарда бойитилган БЭЯ қатлами бир неча ўн микронни ташкил этди ва бу иш мақсади учун етарли деб ҳисобланди. 3-расмда дастлабки намуна КДБ-1 маркали кремний монокристали панжарасида Si₂A^{III}B^V ва Si₂A^{II}B^{VI} структурали БЭЯларнинг ҳосил бўлиши кўрсатилган.

III, V ва II, VI гуруҳлар элементларини киришма сифатида БЭЯларни ҳосил қилиши учун оптимал жуфтликлари танлаб олинишида уларнинг табиати ва асосий параметрларида келиб чиқиб қуйидаги шартлар инобатга олинди:



3-расм. Кремний панжарасида Si₂A^{III}B^V ва Si₂A^{II}B^{VI} структурали БЭЯларнинг ҳосил бўлиши.

$|\Delta Z| = 2Z_{\text{Si}} - (Z_{(II)III} + Z_{V(VI)}) \leq 0,2 Z_{\text{Si}}$, бу ерда Z_{Si} – кремний атомининг ковалент радиуси, $Z_{(II)III}$ ва $Z_{V(VI)}$ – мос ҳолда III, V ва II, VI гуруҳ элементлари атомларининг ковалент радиуслари;

III, V ва II, VI гуруҳ атомлари электроманфийлик кўрсаткичи кремний атомлари электроманфийлигига жуда яқин бўлиши керак;

кремний панжарасида жойлашган икки қўшни киришмаларнинг валент электронлари йиғиндиси саккизга тенг бўлиши керак;

$r_m \leq 100R$, бу ерда r_m – диффузиядан сўнг III, V ва II, VI гуруҳ элементлари атомлари орасидаги масофа, R – кремнийнинг доимий панжара қиймати (5,4 Å).

2-жадвалда юқоридаги шартларга жавоб берадиган ва кремний монокристал материали юзаси ва ҳажмида БЭЯ лар ҳосил қилиш имконини берадиган III, V гуруҳ элементлари рўйхати киришма атомлари сифатида берилган⁵.

2 - жадвал

A ^{III} B ^V	r _{III+r_V} , Å	Δr, Å	Гуруҳ	A ^{III} B ^V	r _{III+r_V} , Å	Δr, Å	Гуруҳ
BP	1,98	0,36	4	GaP	2,35	0,01	1
BA _s	2,09	0,25	3	GaAs	2,46	0,12	2
BS _b	2,29	0,15	2	GaS _b	2,66	0,32	3
BB _i	2,38	0,06	1	GaB _i	2,77	0,43	4
AlP	2,35	0,01	1	InP	2,60	0,26	3
AlAs	2,46	0,12	2	InAs	2,76	0,42	4
AlS _b	2,66	0,32	4	InS _b	2,96	0,62	4
AlB _i	2,77	0,43	4	InB _i	3,02	0,68	4
2Si	2,34	0	-				
Zr _{Si₃} , Å	0,234	-	-				

Демак, III, V ва II, VI гуруҳлар элементлари кремний панжарасида БЭЯлар ҳосил қилганда туб материалнинг тетраэдрик боғланиши бузилмайди ва панжарада мустаҳкам ион-ковалент боғланишлари вужудга келади. Мос ҳолда III ва V гуруҳ учун иккита кремний атомига битта манфий ионга эга III гуруҳ элементи ва битта мусбат ионга эга V гуруҳ элементи тўғри келади, яъни панжарада янги Si₂A⁻B⁺ структурали БЭЯ ҳосил бўлади. Шунингдек II ва VI гуруҳ учун иккита кремний атомига битта иккиланган манфий ионга эга II гуруҳ элементи ва битта иккиланган мусбат ионга эга VI гуруҳ элементи тўғри келади, яъни панжарада ҳали ўрганилмаган Si₂A⁻B⁺⁺ структурали бинар ячейкалар ҳосил бўлади. Диффузия жараёнида ва кўшимча қиздиришда тугунларга жойлашган A⁻, B⁺ ва A⁻, B⁺⁺ ионлар бир-бирига яқинроқ жойлашишга ҳаракат қилади ва шунинг учун экспериментал йўл билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида оптимал термодинамик шароит танланади.

5-расмда II ва VI гуруҳ элементларидан мос ҳолда Zn ва Se киришма атомларининг кремний панжарасида БЭЯлар ҳосил қилиш механизми берилган. Легирлаш жараёни киришмаларнинг паст ҳароратли диффузия технологиясидан фойдаланган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилади:

биринчи босқичда VI гуруҳ элементи Se киришма сифатида танлаб олинади. Бунда киришманинг кремнийдаги диффузия коэффиценти ва эрувчанлиги қуйидаги формулалардан топилади:

$$D_{Se} = 9 \cdot 10^{-1} \exp(-2,44 / kT) \quad (1)$$

$$N_{Se} = 1,4 \cdot 10^{25} \exp(-2,3 / kT) \quad (2)$$

⁴ Bakhadyrhanov M.K., Sodikov U.X., Iliev Kh.M., Tachilin S.A., Tuerdi Wumaier Perspective Material for Photoenergetics on the Basis of Silicon with Binary Elementary Cells. USA. Journal of Materials Physics and Chemistry, 2018, Volume 1 doi:10.63019/mpc.v1i2.493. pp. 1-7.


Кремний намуналари ва Se киришмаси жойлаштирилган кварц найчаси ҳавоси сўриб олинган ҳолда горизонтал печкада хона ҳароратидан бошлаб қўйилиб, 1200÷1250 °С ҳароратда 30-60 минут қиздирилди ва диффузия жараёнидан сўнг секин металлда совитилди.

иккинчи босқичда II гуруҳ элементи Zn олинди:

$$D_{Zn} = 1 \cdot 10^{-1} \cdot \exp(-1,5/kT) \quad (3)$$

$$N_{Zn} = 4,0 \cdot 10^{21} \exp(-1,6/kT) \quad (4)$$


Si<B,Se> намуналари ва Zn киришмаси жойлаштирилган кварц найчасининг ҳавоси сўриб олинган ҳолда горизонтал печкада 1200÷1250 °С ҳароратда 2 соат қиздирилади ва диффузия жараёнидан сўнг секин совитилади. Диффузия жараёнида қандай қилиб Si₂ZnSe структурали БЭЯлар ҳосил бўлишини қуйидаги график ёрдамида тасвирлаш мумкин (4-расм).



4-расм. Кремний монокрсталида Si₂ZnSe структурали БЭЯлар ҳосил қилиш.


Шуни қайд этиш керакки, мавжуд диффузион технология усулида ҳам кремний параметрларини солиштириш учун III, V ва II, VI гуруҳ элементларидан киришма сифатида фойдаланиб, бу намуналар параллел равишда тайёрланди.

Учинчи босқич Si₂ZnSe структурали БЭЯларнинг концентрациясини ошириш ҳисобланиб, бунда паст ҳароратларда намунани қўшимча қиздириш жараёни амалга оширилади. Паст ҳарорат кўрсатқичи 500÷800 °С оралиғида бўлиб, қиздириш учун 4÷6 соат талаб қилинади. Бундан асосий мақсад иккиланган манфий ионга эга II гуруҳ элементи ва иккиланган мусбат ионга эга VI гуруҳ элементларини ўзаро бирикишига шароит яратиб беришдан иборат (5-расм). 5-расмдан кўриниб турибдики, БЭЯлар қатлами кенгайди, яъни уларни концентрацияси ортади.



5-расм. Si<B,ZnSe> намуналарини кўшимча қиздириш $T = 400\text{ }^{\circ}\text{C}$, $t = 4$ соат


6-расмда таклиф қилинаётган Si_2ZnSe структурали БЭЯ кремний панжарасида жойлашуви модели келтирилган. Моделдан кўриниб турибдики, янги материал на ковалент, на ион боғланиш ҳосил қилган, балки ион-ковалент кўринишига эга мустақкам боғланиш олинган.



6-расм. Кремний панжарасида Si_2ZnSe структурали БЭЯлар ҳосил бўлиши модели

Технологияни такомиллаштириш даражасида $A^{II}B^{VI}$ концентрацияларини ошириб (максимал 10^{16} см^{-3} етади) билан кремний панжарасида $\text{Zn}^{--}\text{Se}^{++}$ нанокластерлари пайдо бўлишига эришиш мумкин (7-расм). Бу тубдан янги материал бўлиб, у фундаментал хоссаларини такрорламайди ва ундаги жараёнлар дастлабки намунадаги каби бўлмайди. Жумладан янги материалнинг юзаси ва ҳажмининг локал жойларида $\text{Zn}^{--}\text{Se}^{++}$ нанокластерлари ҳисобига тўғри ўтишлар юзага келади ва ҳаракатчанлик, заряд ташувчиларнинг яшаш вақти ҳамда ёруғлик ютилиш коэффициентлари ҳам бошқача бўлади. Демак бир

кристалл панжарасида туб материал Si, Si<B,Se>, Si<B,Zn> ва Si₂ZnSe структуралари ҳамда Zn⁻Se⁺⁺ нанокристаллининг хусусиятлари намоён бўлади, яъни ҳар хил таъқиқланган соҳага эга янги материал ҳосил қилинади.




7-расм. Кремний панжарасида Zn⁻Se⁺⁺ (A^{II}B^{VI}) типдаги БЭЯлардан таркиб топган нанокластерларнинг жойлашиши.

Шундан келиб чиқиб янги материал асосида фотоэнергетика соҳасида фотоэлементлар тайёрлаш ва оптоэлектроникада янги синф инфрақизил датчиклари ҳамда кремний материали асосида ёруғлик диодлари ишлаб чиқилиши мумкин.


Диссертациянинг «A^{III}B^V ва A^{II}B^{IV} БЭЯли кремний асосида яратилган фотоэлементларнинг хусусиятлари ва асосий параметрларини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида таклиф қилинаётган материал асосида янги турдаги инфрақизил ва ультрабинафша нурлар соҳасида сезгирлиги оширилган фотоэлементларни олиш ва параметрларни ўлчаш ёритиб берилган. Материалнинг ўзига хос томонлари ўрганилиб, келажакда ундан инфрақизил нур соҳасида ишлайдиган ўта сезгир датчиклар ва кремний асосида ёруғлик диодлари яратиш таклифлари берилган.

Таклиф қилинаётган материал, яъни кремний панжарасида асосида Si₂A⁻B⁺, Si₂A⁻B⁺⁺ структурали БЭЯлар ҳосил қилинган намуналардан фойдаланиб лаборатория фотоэлементлари ишлаб чиқилди ва тадқиқ этилди. Янги типдаги фотоэлементлар қуйидаги структурага эга бўлади (8-расм).




8-расм. Кремний асосидаги янги Si₂A^{III}B^V, Si₂A^{II}B^{VI} структурали БЭЯли фотоэлементлар

9-расмнинг паст ҳароратли диффузия усулида легирлаш йўли билан Si_2ZnSe структурали БЭЯ ҳосил қилинган материалдан тайёрланган фотоэлемент билан таркибида БЭЯ йўқ анъанавий диффузия усулида легирланган кремний материалдан яратилган фотоэлементларнинг салт кучланиш ($U_{ск}$) ва қисқа туташув ток ($I_{ккт}$) қийматининг инфрақизил тўлқин энергиясига боғлиқлик спектрал характеристикаси келтирилган.



а)



б)

9-расм. Кремнийли фотоэлементнинг $U_{ск}$ (а) ва $I_{ккт}$ (б) параметрларини 1 см^2 юзада қуввати $5 \cdot 10^{-6}$ Вт га тенг бўлган ИҚ нур соҳасидаги спектрал боғлиқлик графиги:
 1 – янги технология асосида тайёрланган Si_2ZnSe структурали БЭЯ мавжуд фотоэлемент,
 2 – мавжуд технология асосида тайёрланган фотоэлемент.

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, БЭЯ структурага эга материаллар асосида тайёрланган фотоэлементларнинг инфрақизил нурларни сезиш

бўсағавий қиймати ҳам ток ҳам кучланиш учун кичик қийматни 0,4 эВ ни ташкил этади. Анъанавий диффузия усулида легирланган кремний материалдан яратилган фотоэлементлар учун бу қиймат 0,9 эВ га тенг. Шундай қилиб, БЭЯ структурага эга фотоэлементларнинг инфрақизил соҳада сезгирлик даражаси мавжуд фотоэлементлар билан солиштирилганда ўртача 2,5 марта юқори эканлиги аниқланди.

Диссертация ишимни бажаришда яқиндан кўмак ва кўрсатилган ҳар томонлама ёрдам учун устозимиз академик М.К. Баҳодирхоновга, илмий раҳбаримга ва Тошкент давлат техника университети «Рақамли электроника ва микроэлектроника» кафедраси жамоасига, шунингдек, Қуёш энергияси халқаро институти раҳбариятига раҳмат айтаман.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда бинар элементар ячейкали кремнийнинг фотоэлектрик ва оптик хоссаларини аниқлаш, у асосида фотоэлементларнинг спектрал сезгирлик соҳасини кенгайтиришни тадқиқ этиш ва олинган натижаларнинг таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Монокристалл кремний намунасини III, V ва II, VI гуруҳлар элементлари билан юқори ҳароратли легирлаш натижасида юза емирилишини кузатилинмаган тубдан янги материал олинган.

2. Кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯ шаклланиши имкониятларини илмий асослаш ва бунда III, V ва II, VI гуруҳлар элементларининг фундаментал электрофизик ва кимёвий параметрларини илмий тадқиқ қилинган.

3. Кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯ ларининг шаклланиши ва намуна чуқурлигида уларнинг тақсимланишининг оптимал термодинамик шароитларини, уларнинг таркиби ва структурасига боғлиқлиги аниқланган.

4. Экспериментал усул билан бундай элементар ячейкаларнинг ҳар хил таркиби ва структурасига эга бўлган кремнийнинг электрофизик, фотоэлектрик ва оптик хусусиятлари аниқланган.

5. $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯ ларнинг ҳар хил таркиби, структураси, концентрацияси ва тақсимланишига эга бўлган кремний асосида янги синфдаги фотоэлементларни яратишнинг физикавий асослари ишлаб чиқилган.

6. $\lambda=1 \div 3$ мкм бўлган диапазонда фотоэлементларнинг спектрал соҳа сезгирлигини тадқиқ қилинган, асосий фундаментал параметрлари ва ФИКи ҳисобланган, бунда $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ БЭЯга эга бўлган монокристалл кремний намунасидаги қисқа туташув токи катталиги ва салт кучланишининг қийматларида инфрақизил нурнинг салмоқли ҳиссаси мавжуд бўлиши аниқланган.

7. $Si_2A^{III}B^V$ ва $Si_2A^{II}B^{VI}$ структурали БЭЯга эга бўлган монокристалл кремний асосида самарадор фотоэлементларни олишга имкон берадиган БЭЯ ларнинг оптимал тури, структураси ва концентрацияси аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.31.01.2019.FM/Т.03.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, АНДИЖАНСКИЙ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

СОДИКОВ УСМОНХУЖА ХАСАНОВИЧ

**РАСШИРЕНИЕ СПЕКТРАЛЬНОЙ ОБЛАСТИ
ФОТОЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ КРЕМНИЕВЫХ ФОТОЭЛЕМЕНТОВ
С БИНАРНЫМИ ЭЛЕМЕНТАРНЫМИ ЯЧЕЙКАМИ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/FM86.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Илиев Халмурат Миджитович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Далиев Хожиакбар Султанович**
доктор физико-математических наук, профессор (НУУ)

Арипов Хайрулла Кабулович
доктор физико-математических наук, профессор (ТУИТ)

Ведущая организация: **Физико-технический институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.31.01.2019.FM./T.03.05 при Ташкентском государственном техническом университете, Андижанском государственном университете. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Факультет «Электроника и автоматика» ТГТУ, аудитория № 232. Тел. (+99871) 246-46-00, факс (+99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел. (+99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2019 г.).

М.К. Бахадирханов
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.,
профессор, академик

Б.Э. Эгамбердиев
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.,
профессор

Н.Ф. Зикриллаев
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, в мире в активно развивающемся направлении полупроводниковой физики, пристальное внимание уделяется получению материалов на основе кремния с примесными атомами III, V и II, VI групп элементов, путем создания в его кристаллической решетке наноразмерных кластеров, в том числе бинарных, демонстрирующих абсолютно новые свойства, которые коренным образом отличаются от свойств базового материала. При этом важными задачами остаются изучение электрофизических и фотоэлектрических свойств новых материалов, а также исследование возможностей сокращения расхода дорогостоящего кремния. В этом аспекте важными задачами являются открытие перспективных функциональных возможностей кремния с новыми бинарными элементарными ячейками (БЭЯ) в матрице материала, а также применение этого материала в микроэлектронике, материаловедении и других областях.

В мире на сегодняшний день уделяется большое внимание изучению свойств кремния с БЭЯ и изготовлению на их основе фотоэлементов (ФЭ) и датчиков работающих в ИК области. При этом важнейшей задачей является получение новых материалов на основе кремния, в том числе создавая на поверхности или в объеме БЭЯ, решение которой возможно путем проведения целевых научных исследований по следующим направлениям: внедрение безэрозийной технологии на основе низкотемпературной диффузии для получения кремниевых образцов легированных элементами III, V и II, VI групп; определение оптимальных примесных атомов из состава элементов III, V и II, VI групп для получения структур с БЭЯ типа $Si_2A^{III}B^V$ и $Si_2A^{II}B^{VI}$; определение электрофизических и фотоэлектрических параметров кремния с БЭЯ типа $Si_2A^{III}B^V$ и $Si_2A^{II}B^{VI}$; определение величины тока короткого замыкания и напряжения холостого хода в ИК области в кремнии с БЭЯ типа $Si_2A^{III}B^V$ и $Si_2A^{II}B^{VI}$; разработка и создания фотоэлементов на основе кремния с БЭЯ типа $Si_2A^{III}B^V$ и $Si_2A^{II}B^{VI}$.

В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, где в приложении 1 пункт 4.4 отмечено «стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику, создание при высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков»¹. В частности, основное внимание уделяется вопросам развития технологии синтеза новых полупроводниковых материалов, состоящих из элементарных ячеек «кремний – примесный атом».

Особо следует отметить, что данная деятельность осуществляется в рамках объявленного года инвестиций и социального развития, нацеленного на

¹ Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан /Официальное издание/ Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Ташкент: «Адолат», 2017. С. 63.

получение научных результатов, отвечающих современным требованиям научного развития. В этом плане особое внимание уделяется вопросам исследования фотоэлектрических и электрических свойств БЭЯ структур с участием примесных атомов III, V и II, VI групп на основе монокристаллического кремния. Вместе с тем, актуальной задачей является определение новых физических свойств полупроводниковых материалов и на этой основе обеспечить их широкое прикладное применение в сфере производства.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных в Постановлениях и Указах Президента Республики Узбекистан, ПП-1442 «О приоритетных направлениях развития индустрии Республики Узбекистан на 2011-2015 гг.» от 15 декабря 2015 года, УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года и ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организаций, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан «Энергетика, энерго - и ресурсосбережение, транспорт, машино - и приборостроение» и имеет важную значимость для развития современной электроники, микроэлектроники, фотоники, спинтроники и электронного приборостроения.

Степень изученности проблемы. Известные всемирные ученые J. Zhang, C.J. Glassbrenner (США), Rune S. Jacobsen (Дания) изучали влияние выборочных примесей на оптические характеристики кремния, а К.С. Напольский, А.В. Булгаков, О.Н. Королевы (Россия) на основе математического моделирования определили условия возможности образования бинарных соединений в полупроводниках. В работах J. Valenta (Чехия) определил непосредственное влияние нанокластеров на электрофизические и фотоэлектрические свойства кремния, со стороны М.Г. Мильдвидского и В.В. Чалдышева (Россия) была проведена исследовательская работа о роли наноразмерных кластеров в полупроводниковых материалах. Ж.И.Алфёров создатель полупроводниковых гетероструктур, создатели синих светодиодов Исаму Акасаки, Хироси Аmano и Сюдзи Накамуре награждены Нобелевскими премиями.

В Узбекистане научные школы академиков М.С. Саидова, М.К. Бахадирханова и А.Т. Мамадалимова внесли большой вклад в развитие технологии диффузии в полупроводниковых материалах. Академик М.К. Бахадирханов и его ученики сумели создать новые материалы на основе кремния, приводящие к существенному изменению его фундаментальных свойств, вводя в качестве примесей переходные и редкоземельные элементы, а

также элементы II, III, V и VI групп². В новых материалах были обнаружены новые магнитные и оптические явления, а также был проведен ряд исследовательских работ по увеличению концентрации БЭЯ. Создание БЭЯ вышеуказанных примесей не только на поверхности, но и в объеме полупроводника, в частности позволило существенно расширить чувствительность нового материала в ИК области. Профессором И.Г. Атабаевым и Н.А. Матчановым была усовершенствована технология низкотемпературной диффузии примесей в сплаве кремний-германий³.

В настоящее время учёными Узбекистана, академиком А.Т.Мамадалимовым и его сотрудниками экспериментально обнаружено инфракрасное, температурное гашение фотопроводимости кремния легированного глубокими примесями и разъяснен механизм этих явлений. Вместе с тем в научной школе Р.А.Муминова был разработан детектор ядерного излучения на основе кремния легированного литием. Н.Юлдашевым и его сотрудниками было обнаружено явление люминесценции в полупроводниковых соединениях.

Однако ими были проведены экспериментальные исследования по созданию нанокластеров только одиночных элементов, поэтому остаются нерешенными вопросы создания нанокластеров на основе атомов двух и более примесей в кристаллической решетке полупроводниковых материалов, в частности кремния, а также определения оптимальных термодинамических условий формирования БЭЯ и изучения электрофизических и фотоэлектрических параметров нового материала и его структуры.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете согласно программе фундаментальных и прикладных проектов, в том числе в рамках Государственной программы научно-исследовательских работ РУз № Ф2-44 на тему: «Исследование механизма самоорганизации примесных атомов в полупроводниках и управление их параметрами» (2012-2016 гг.) и международного проекта «Узбекистан-Туркменистан 2013» №МК-37/2012 «Разработка и изготовление принципиально новых фотоэлементов с широкой спектральной чувствительностью (0,1÷3 мкм) на основе кремния с нановаризонными структурами» (2013-2015 гг.), а также проекта ОТ-Ф2-50 «Разработка научных основ формирования элементарных ячеек $A^{III}B^V$ и $A^{II}B^{VI}$ в решетке кремния – новый подход в получении перспективных материалов для фотоэнергетики и фотоники» (2017-2020 гг.).

Целью исследования является определение электрофизических и фотоэлектрических свойств кремния с БЭЯ и расширение области чувствительности фотоэлементов на основе нового материала.

² М.К. Бахадырханов, А.Ш. Мавлянов, У.Х. Содиков Кремний с бинарными нанокластерами примесных атомов – как новый класс материалов для фотоэнергетики. III Межд.конф. по оптическим и фотоэлектрическим явлениям в полупроводниковых микро- и наноструктурах 14-15 ноября – Фергана. 2014 – с. 51-54.

³ И.Г. Атабаев, Н.А. Матчанов и др. Низкотемпературная диффузия лития в твердые растворы кремний-германий ФТТ, 2001, В.12, С. 2140-2143.

В соответствии с поставленной целью необходимо было решить следующие задачи:

формировать структуры БЭЯ типа $A^{II}B^{VI}$ и $A^{III}B^V$ в решетке кремния в зависимости от природы примесных атомов элементов III, V и II, VI групп;

